Ilmiy tadqiqotlar va ularning yechimlari jurnali
Aoka guvohnoma № 323759 ISSN: 3060-4818

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА “СМАРТ-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Омонбоев Элёржон Номонжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура тингловчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.23376834

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги миллий қонунчилигини рақамли трансформация талабларига мослаштириш, “Смарт-назорат” ва “Vision Zero” концепцияларини имплементация қилиш масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф Меҳнат кодекси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга масофавий мониторингни легаллаштириш, платформавий бандликни ҳимоя қилиш ва жавобгарликни дифференциация қилиш бўйича таклифлар илгари сурилган.
Таянч сўзлар: меҳнат муҳофазаси, Смарт-назорат, Vision Zero, рақамли трансформация, прокурор назорати, масофавий мониторинг, платформа бандлиги, психосоциал хавфлар.

Аннотация: В статье анализируются вопросы адаптации национального законодательства Республики Узбекистан об охране труда к требованиям цифровой трансформации, а также имплементации концепций «Смарт-контроль» и «Vision Zero». Автором выдвинуты предложения по легализации дистанционного мониторинга, защите платформенной занятости и дифференциации ответственности в Трудовом кодексе, Законе «Об охране труда» и Кодексе об административной ответственности.
Ключевые слова: охрана труда, Смарт-контроль, Vision Zero, цифровая трансформация, прокурорский надзор, дистанционный мониторинг.

Abstract: The article analyzes the issues of adapting the national legislation of the Republic of Uzbekistan on occupational safety to the requirements of digital transformation, as well as the implementation of the “Smart-control” and “Vision Zero” concepts. The author puts forward proposals for the legalization of remote monitoring, protection of platform employment and differentiation of liability in the Labor Code, the Law “On Occupational Safety” and the Code of Administrative Responsibility.
Keywords: occupational safety, Smart-control, Vision Zero, digital transformation, prosecutor’s supervision, remote monitoring.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг жадал кириб келиши, хусусан, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг амалга оширилиши ҳуқуқни қўллаш амалиётини тубдан трансформация қилишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида мустаҳкамланган ҳар кимнинг қулай меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқи меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдеворини

янги босқичга олиб чиқди. Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги анъанавий назорат механизмлари бугунги куннинг тезкор талабларига, инсон омили таъсирини камайтириш ва коррупцион хавфларни бартараф этиш эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермай қолди. Шу сабабли, соҳада жазоловчи (реактив) моделдан превентив “Смарт-назорат” моделига ўтиш миллий қонунчиликни тизимли ислоҳ қилишни талаб этади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйлаб ҳар йили тахминан 2,3 миллион киши иш жойида содир бўлган ҳалокатлар ва касб касалликлари сабабли вафот этмоқда, 395 миллион ходим эса ўлимга олиб келмайдиган жароҳатлар олмоқда. Ушбу рақамлар меҳнат муҳофазаси тизимини такомиллаштиришнинг долзарб халқаро масала эканлигини тасдиқлайди.

Меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий табиатини тадқиқ этишда россиялик ҳуқуқшунос олимлар К.Н.Гусов ва В.Н.Толкунованинг ёндашуви ҳамда диққатга сазовордир. Уларнинг таърифига кўра, меҳнат муҳофазаси — бу “ходимнинг меҳнат жараёнидаги ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилувчи институтлар ва нормалар тизимидир”[1]. Ушбу таърифдан аёнки, меҳнат муҳофазаси шунчаки техник қоидалар йиғиндиси эмас, балки инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми ва ижтимоий давлатнинг конституциявий мажбуриятидир.

Ўзбекистонлик таниқли ҳуқуқшунослар Й.Турсунов ва М.А.Усмонова меҳнат муҳофазасига тор маънодаги таъриф бериб, уни “ходимлар учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш участкаларида техникавий, санитария-гигиена шароитларини таъминлаш мақсадида белгиланган стандартлар ва нормативларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уларга амал қилишни таъминлашга оид иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлардан иборат тизим” сифатида белгилайдилар[2]. Иқтисодий нуқтаи назардан меҳнатнинг ҳуқуқий категория сифатидаги моҳиятини Б.М.Генкин меҳнат “табиат ресурсларини моддий, интеллектуал ва маънавий неъматларга айлантириш бўйича инсон томонидан амалга ошириладиган ёки бошқариладиган жараён” эканлигини таъкидлайди[3], академик Қ.Х.Абдураҳмонов эса меҳнатни “инсоннинг онгли, мақсадли ва тақиқланмаган фаолияти” сифатида таърифлайди[4].

Халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан меҳнат муҳофазасининг концептуал асосларини тадқиқ этган Р.Ш.Давлетгилдеев ХМТнинг 155 ва 187-сонли Конвенциялари ушбу соҳада халқаро меҳнат стандартларининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилишини асослаб беради[5].

Иқтисодий жиҳатдан меҳнат муҳофазасига сарфланган маблағлар инсон капиталига қилинган инвестиция эканлигини M.Xue, Y.Zhou ва Z.Liu ўзларининг эмпирик тадқиқотларида кўрсатишган. Уларнинг фикрича, меҳнатни ҳимоя қилишнинг кучайтирилиши узоқ муддатли истиқболда

[1]Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России. – М.: Проспект, 2020. – С. 325.

[2]Турсунов Й., Усманова М.А. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2006. – Б. 186–187.

[3]Генкин Б.М. Экономика и социология труда. – М.: Экономика, 1998. – С. 7.

[4]Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Қўлланма. – Тошкент: Меҳнат, 2009. – Б. 54.

[5]Давлетгильдеев Р.Ш. Международно-правовая защита трудовых прав человека: учебное пособие. – М.: РУДН, 2017. – С. 227–229.

корхоналарнинг операцион самарадорлигини ижобий оширади ва кадрлар қўнимсизлигини камайтиради[6].

Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазаси соҳасининг норматив-ҳуқуқий базаси сўнгги йилларда жиддий трансформацияга учради. Бугунги кунда соҳанинг асосий ҳуқуқий пойдевори сифатида 2022 йилдаги янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, 2022 йил 18 майдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда 2025 йил 24 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 819-сон қарори билан тасдиқланган низомлар хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, "тартибга солиш гильотинаси" сиёсати доирасида эскирган йўриқномалар ўз кучини йўқотгандан сўнг уларнинг ўрнига замонавий қоидалар тўлақонли ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳуқуқий бўшлиқ (вакуум) юзага келди: иш берувчилар қайси стандартга амал қилишни билмаётган бўлса, назорат органлари қонунбузилиш ҳолатини қайд этишда бекор қилинган эски нормаларга ҳавола қилишга мажбур бўлмоқда.

Миллий миқёсда вазият жиддий таҳлилни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг маълумотларига кўра, жароҳатланишларнинг хусусий секторда кескин юқори даражада эканлиги, ушбу секторда назорат механизмларининг заифлиги ва янги технологик ёндашувларга зарурат борлигини яққол кўрсатади.

Илғор хорижий тажрибаларни қиёсий-ҳуқуқий ўрганиш миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, Германия меҳнат муҳофазаси тизимини тадқиқ этган R.Pieper "Дуал бошқарув" (dual control) тизимининг муваффақияти давлат назорати (Gewerbeaufsicht) ва касб уюшмалари назоратининг (Berufsgenossenschaften) ўзаро интеграциясида эканлигини таъкидлайди[7]. "Vision Zero" (Ноль жароҳат) концепциясининг назарий асосларини ишлаб чиққан Халқаро ижтимоий таъминот ассоциацияси (ISSA) ушбу концепция "барча бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мумкин" деган тамойилга асосланиши, 7 та олтин қоидаси эса корхона раҳбарларининг етакчилигини, хавфларни тизимли баҳолашни ва ходимларнинг малакасини узлуксиз оширишни ўз ичига олишини қайд этади[8]. Япон олими K.Takahashi ҳам Япониядаги Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги Қонунда хавфларни баҳолаш тизими физик ва кимёвий омиллар билан чекланмай, балки касбий стресс ва психологик зўриқишдек психосоциал омилларни ҳам ўз ичига олишини илмий таҳлил қилган[9].

Юқорида келтирилган назарий асослар ва халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон миллий қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий-ҳуқуқий таклифлар илгари сурилади.

---

[6]Xue M., Zhou Y., Liu Z. The Effect of Labor Protection on Firms' Operational Efficiency: Evidence from China's Labor Contract Law Implementation // Sustainability. – 2022. – Vol. 14. – P. 5538.

[7]Pieper R. Arbeitsschutzrecht: Arbeitsschutzgesetz, Arbeitssicherheitsgesetz und andere Arbeitsschutzvorschriften. – Frankfurt am Main: Bund-Verlag, 2021. – P. 45–48.

[8]International Social Security Association (ISSA). Vision Zero: Global Prevention Strategy. – Geneva, 2017. – P. 5–7.

[9]Takahashi K. Occupational Safety and Health in Japan // Journal of Occupational Health. – Vol. 61. – 2019. – P. 112–114.

Биринчидан, рақамли назоратни қонунийлаштириш. Меҳнат кодексининг 361-моддасига қуйидаги мазмундаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ: “Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш ва текшириш жараёнида давлат назорати органлари ахборот-коммуникация технологияларидан, видео-кузатув, биометрик таҳлил ва масофавий смарт-назорат тизимларидан фойдаланишга ҳақли. Мазкур электрон воситалар орқали олинган объектив маълумотлар қонунбузарликни қайд этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун мустақил ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади”.

Иккинчидан, иш вақтини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимларини меҳнат муҳофазаси билан интеграция қилиш. Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олим Д.С.Абдуллаева ўз диссертацион тадқиқотида иш вақтини ходим ҳақиқатда ишламаган қуйидаги даврларни ҳам қамраб олиши лозимлигини илмий асослаб берган: тайёргарлик-топшириш ишлари; меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ танаффуслар; меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича ўқиш; ходим эркин фойдалана олмайдиган иш жойида бўлиш ва кутиш вақти; дам олиш ва байрам кунларидаги навбатчилик[10]. Муаллиф ушбу илмий хулосаси асосида иш вақти тушунчасини кенгайтирувчи янги ҳуқуқий таърифни таклиф этган, унга кўра “ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, локал-норматив ҳужжатлар ва меҳнат шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш вақтига киритиладиган бошқа даврлар иш вақти ҳисобланади”[11]. Ушбу илмий ёндашув хавфсизлик йўл-йўриқларини ҳужжат даражасида эмас, реал шаклда ўтказиш учун иқтисодий рағбат яратиши жиҳатидан меҳнат муҳофазаси тизимига бевосита дахлдордир.

Абдуллаева Д.С. илгари сурган яна бир муҳим амалий таклиф — бу ташкилотларда иш вақтини визуал ва видеорегистраторлар (Face-контроллерлар, Face-камералар) ҳамда тайм-трекер дастурий таъминотлари орқали автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш тизимини жорий этиш[12].

Меҳнат муҳофазаси соҳасида ушбу ёндашувдан келиб чиқиб, Меҳнат кодексининг 364-моддасига қуйидаги қўшимчани киритиш таклиф этилади: “Хавфлилик даражаси юқори бўлган иш ўринларида (биринчи ва иккинчи тоифа) иш берувчи ходимларнинг ҳақиқий иш вақти, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаш ҳолатларини қайд этиш учун автоматлаштирилган электрон тизимлардан (биометрик аутентификация, видео-рўйхатга олиш) фойдаланиши шарт. Ушбу тизимларда қайд этилган маълумотлар бахтсиз ҳодисалар текширишида, шунингдек, суд ва прокурор назорати амалиётида ходимни ҳимоя қилиш учун асосий далил базаси сифатида хизмат қилади”.

Учинчидан, платформа бандлиги асосида ишловчи шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Бугунги кунда платформа ишчилари (Яндекс, Узум ва бошқа агрегаторларнинг курьерлари, такси ҳайдовчилари) меҳнат шартномасисиз ишламоқда ва меҳнат муҳофазаси кафолатларидан маҳрум. Меҳнат кодексига “Платформа бандлиги асосида ишловчи шахсларнинг

[10]Абдуллаева Д.С. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – Б. 19.

[11]Абдуллаева Д.С. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид. фан. бўйича фалс. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – Б. 19–20.

[12]Абдуллаева Д.С. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид. фан. бўйича фалс. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – Б. 22.

меҳнатини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари” номли янги боб киритилиши лозим, унда агрегатор компаниялар ўз платформаси орқали даромад топаётган шахсларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурта қилиши шартлиги белгиланиши керак.

Тўртинчидан, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга “Vision Zero” концепциясини жорий этиш. Қонуннинг 4-моддасига қуйидаги бандни киритиш: “Меҳнат жараёнида барча турдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш мумкинлигини эътироф этувчи превентив хавфсизлик маданиятини (Vision Zero) корхоналарда жорий этишни рағбатлантириш”. Шунингдек, K.Takahashi илгари сурган Япония моделига мувофиқ, Қонуннинг 14-моддасига қўшимча киритиб, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари қаторига “касбий стресс, эмоционал зўриқиш ва психосоциал хавфлар” тушунчасини ҳам киритиш зарур.

Бешинчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси санкцияларини дифференциация қилиш. Бугунги кунда МЖтКнинг 49-моддасида меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун умумий ва бир хил жарималар (БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача) белгиланган. А.Б.Комилов бошчилигидаги муаллифлар жамоасининг фикрича, маъмурий санкцияларни қилмишнинг хавфлилик даражасига қараб дифференциация қилиш ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади[13]. Шу сабабли ходимни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминламаганлик учун алоҳида, хавфлилик даражаси юқори бўлган объектларда йўриқнома ўтказмасдан ишга қўйганлик учун эса янада оғирроқ (БҲМнинг 20 бараваригача) жарима белгилаш таклиф этилади.

Олтинчидан, прокуратура органларида назорат фаолиятини баҳолашнинг (KPI) янги мезонларини жорий этиш. Прокурорнинг иши фақатгина нечта жиноят иши қўзғатгани ёки жарима қўллагани билан эмас, балки алгоритмик таҳлилларга таянган ҳолда қанча фалокат ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олганлиги (превентив самарадорлик) билан ўлчаниши керак.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат муҳофазаси соҳасига “Смарт-назорат” ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш шунчаки техник янгиланиш эмас, балки инсон капиталини асраш, меҳнат муносабатларида қонунийликни шаффоф таъминлаш ва прокурор назоратини жазоловчи (реактив) моделдан ҳимоя қилувчи ва башорат қилувчи (превентив) моделга ўтказишнинг стратегик кафолатидир. Юқорида келтирилган илмий-амалий таклифларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши эскирган нормалардан воз кечиб, рақамлашган, инсон қадр-қимматини улуғловчи ва ходимнинг ҳаётини кафолатловчи “Смарт-назорат” ва “Vision Zero” муҳитини яратишга, ҳамда соҳада прокурор назоратининг самарадорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Янги таҳрир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон.

[13]Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати. Услубий қўлланма // ю.ф.ф.д. (PhD) А.Б.Комилов ва бошқалар. – Тошкент: Бош прокуратура Академияси, 2021. – Б. 30–31.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон.
4. Халқаро меҳнат ташкилотининг 155-сонли “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисида”ги Конвенцияси (Женева, 1981 йил).
5. Халқаро меҳнат ташкилотининг 187-сонли “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисида”ги Конвенцияси (Женева, 2006).
6. Абдуллаева Д.С. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 47 б.
7. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Қўлланма. – Тошкент: Меҳнат, 2009.
8. Генкин Б.М. Экономика и социология труда. – М.: Экономика, 1998.
9. Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России. – М.: Проспект, 2020.
10. Давлетгильдеев Р.Ш. Международно-правовая защита трудовых прав человека: учебное пособие. – М.: РУДН, 2017. – 509 с.
11. Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати. Услубий қўлланма// ю.ф.ф.д. (PhD) А.Б.Комилов ва бошқалар. – Тошкент: Бош прокуратура Академияси, 2021.
12. Турсунов Й., Усманова М.А. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2006.
13. Pieper R. Arbeitsschutzrecht. – Frankfurt am Main: Bund-Verlag, 2021.
14. Takahashi K. Occupational Safety and Health in Japan // Journal of Occupational Health. – Vol. 61. – 2019.
15. Xue M., Zhou Y., Liu Z. The Effect of Labor Protection on Firms’ Operational Efficiency // Sustainability. – 2022. – Vol. 14. – P. 5538.
16. International Social Security Association (ISSA). Vision Zero: Global Prevention Strategy. – Geneva, 2017.